## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1.Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши холлари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини хисобга олган холда қайта хисоб-китоб қилади, хисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри хисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2.Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига намуналарга(эталонларга)ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3."Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4.Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5.Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида хақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида махсус хисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6 "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги хам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7.Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8 Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2.Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга хақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1.Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2.Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

7.3 Мазкур шартнома суммаси 2392170 (Икки млн. уч юз тўқсон икки минг 170) сўм. № 282 сонли шартнома 3 (уч) нусхада тузилган булиб 2022 йил "29" январидан 2022 йил "31" декабргача амал килади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Окдаре тумани газначилик булинмасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради

## ҮIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1.Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2.Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий хисобланади.

8.3.Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4.Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.)

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**«БАЖАРУВЧИ»**

**Самарканд вилоят Экология ва атроф-мухитни мухофаза қилиш бошкармаси "Toza xudud" DUK Оқдарё туман филиали**

Манзил: Самарканд вилояти Окдарё туман
А.Темур МФЙ к-к Курилиш
Тел./факс +998 99 447 82 66
ш/х*20210000800781002015
СТИР: 304 938 205
ОКОНХ: 38210 МФО: 00265
Ғазначилик бошкармаси номи
Окдарё туман Газначилик булинмаси.
Ғазна х/в 23402000300100001010.
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шахар ББ ХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: Х.Нормуродов

М. Ў

**«БУЮРТМАЧИ»**

Оқдарё туман СЭО ва ЖСБ.
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Самарканд вилояти Окдарё тумани
Лойиш ш. Наврўз 47-уй
Тел./факс ____________
ш/х* 100022860182057074110005400 1.
бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 202129757
ОКОНХ 91531.
Ғазначилик бошкармаси номи
Окдарё туман Газначилик булинмаси.
Ғазна х/в 23402000300100001010.
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шахар ББ ХККМ МФО: 00014
Ғазначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: ____________

М.Ў.

*Хуқуқшунос: ________ Р.Умаров Лицензия № SA 000056 берилган санаси «08» июн 2009 йил*

*Хуқуқшунос:________ А.Юсупов Диплом МВ-1№ 098129 берилган санаси «30» июн 1985 йил*

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: NI5813017512

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
# HUQUQIY XULOSA

1.Loyiha turi: Shartnoma

2.Loyiha nomi:
Samarqand viloyat Ekologiya va atrof muxitni muhofaza qilish boshqarmasi **"Toza xudud" DUK Oqdqryo tuman filiali** va Sanitariya Epidemiologik Osoyishtalik va Jamoat Salomatligi Oqdaryo tuman bo'limi o'rtasida chiqindilarni chiqarib ketish shartnomasi.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:
Sanitariya Epidemiologik Osoyishtalik va Jamoat Salomatligi Oqdaryo tuman bo'limi tomonidan 2022 yil 28 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Tomonlar o'rtasida mazkur shartnomani tuzish uchun O'zbekiston Respublikasining qonunchilik talablari moniylik qilmaydi.Shartnoma ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yutituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy bazasi to'g'risida"gi qonun talablariga javob beradi.Shartnoma shartlari yuzasidan kelib chiqishi mumkin bo'lgan javobgarlik masalasi tomonlar o'rtasida qonuniy kelishilgan. Shartnoma yuzasidan shartnoma ishtirokchilari o'rtasidagi nizolarni hal qilish tartibi belgilangan. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **X.Yaxshiboyev**

2022 yil 28 yanvar.